

Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳунинг фазилатлари (биринчи мақола)



11:30 / 11.11.2023 2392

هُلِّلَايِلَصٌ يَّبْنَلِالْاَقْفِ صِاقَوْ وَيْبَأُنْبُ دُعَسَلَبَقَا لِقَاقُ هُنَعُ هَلَلَا يَضَرَّرَبِاجْ نَعُ
يَذْمُرَّتْ لَاهَاوْرُهُ لَاحُ وُرْمَا يَنْرِيْلَفِ يَلَاخْ اَدَهْ مَلَسَوْ هِيْلَعُ

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Саъд ибн Абу Ваққос келди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Мана бу менинг тоғам. Бас, ким менга ўз тоғасини кўрсата олади!»
дедилар».**

Термизий ривоят қилган.

Маълумки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг волидалари
Омина бинти Ваҳб Бани Зуҳра қабиласидан бўлганлар. Саъд ибн Абу

Ваққос розияллоҳу анҳу ҳам Бани Зухра қабиласидан бўлганлари учун Набий алайҳиссалом у кишини «тоғам» деганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари ва бошқа қариндошлари ҳақида кўп эшитганмиз ёки ўқиб, билганмиз. Аммо у зотнинг тоғалари ҳақида эшитмаган бўлишимиз мумкин. Ҳа, Саъд ибн Абу Ваққос исми улкан саҳобий билан кўпчилик таниш, аммо айнан худди ўша улў саҳобий Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тоғалари эканлигини, у зот ўз тоғалари билан фахрланишларини жуда кам одам билади. Аллоҳ таолонинг ёрдами ила келажак сатрларда айнан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тоғалари – Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳунинг фазилатлари, шахсиятлари ва босиб ўтган ҳаёт йўллари билан танишиб чиқамиз.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 23-жузидан олинди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5165 рақамли хулосаси асосида чоп этилган.